Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил
6 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 73 (13021)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ВАЛЮТА СИЁСАТИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барқарор ривожлантиришга хизмат қилгани қайд этилсин.

Мақбул миқдорда ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича изчил амалга оширилаётган сиёсат Ўзбекистоннинг мажбуриятларини ўз вақтида бажарадиган ишончли, тўловга лаёқатли халқаро шерик сифатидаги имиджини таъминлади, кейинчалик валюта курсини либераллаштириш учун зарур олтин-валюта захирасини шакллантириш, валюта ресурсларини реал иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификация қилишнинг устувор соҳаларига йўналтириш, жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини юмшатиш имконини берди.

Шу билан бирга, валюта муомаласи соҳасининг ҳаддан зиёд маъмурий тартибга солиниши алоҳида тармоқлар ва хўжалик юритувчи субъектлар учун имтиёз ва преференцияларнинг асоссиз равишда кам самарали бўлган тизимини шакллантирди, бизнес юритишда тенг бўлмаган шарт-шароитларнинг вужудга келиши ва рақобатнинг бозор тамойиллари бузилишига олиб келди, хорижий инвестицияларни жалб қилишда, товарлар ва хизматлар экспортини оширишда, умуман, мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида тўсқинлик қилувчи омилга айланди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий қилиш, республика экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ва ички бозордаги рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида:

1. Валюта бозорини янада либераллаштириш соҳасида давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

биринчидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни тўлиқ таъминлаш;

иккинчидан, миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмларини қўллаш;

учинчидан, валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш;

тўртинчидан, сифатли иш ўринлари ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бевосита рағбатлантириш учун иқтисодиётнинг барча секторларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, билим ва технологиялар жалб этишга хизмат қиладиган ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш;

бешинчидан, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий монетар сиёсатни амалга ошириш, бу борада монетар инструментлардан фаол ва мослаштирилган ҳолда фойдаланиш, давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, очиқ бозорда операциялар ҳамда давлат қимматли қоғозларини банклар ликвидлигига гаровга бериш бўйича операцияларни амалга оширишни амалиётга жорий қилиш;

олтинчидан, монетар ва фискал сиёсатни мувофиқлаштириш ҳамда Давлат бюджетининг мутаносиблигини таъминлаш орқали пул массаси ҳаддан зиёд ўсишининг олдини олиш;

еттинчидан, банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва унинг таваккалчиликларга бардошлилигини, шу жумладан, валюта сиёсатини либераллаштиришнинг вужудга келиши мумкин бўлган салбий таъсирини юмшатишга қаратилган самарали чораларни қўллаш ҳисобига ошириш;

саккизинчидан, валюта сиёсатининг янги шароитларида таянч тармоқлар корхоналари самарали фаолият юритиши учун уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

тўққизинчидан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари турмуш даражасига валюта сиёсатини либераллаштиришнинг салбий оқибатларини камайтириш имконини берадиган ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йилнинг 5 сентябридан:

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари жорий халқаро операциялар (товар, иш ва хизматлар импорти, фойда репатриацияси, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо характерига эга бўлмаган ўтказмалар) бўйича тўловларни амалга ошириш учун тижорат банкларида чет эл валютасини чекловсиз сотиб олишлари мумкин;

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахслар чет эл валютасини тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шохобчаларига эркин сотиши ва конверсион бўлимларда сотиб олинган маблағларни халқаро тўлов карталарига ўтказиш бўйича амалдаги тартибга асосан сотиб олиши ва чет элда ҳеч қандай чекловларсиз ишлатиши мумкин;

истеъмол товарлари импорти билан шуғулланувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорларга чет эл валютасини жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда, банклардаги ҳисобварақлар орқали сотиб олишга рухсат берилади;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинади;

чет эл валютасида даромад олувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, фермер хўжаликлари ўз банк ҳисобварақларидаги чет эл валютасини нақд кўринишида олиши мумкин.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

товар (иш ва хизмат)лар учун тўловларни чет эл валютасида амалга ошириш тақиқланади, халқаро тажрибага мувофиқ халқаро тўлов карталари орқали тўловлар бундан мустасно;

товар, иш ва хизматлар учун нарх ва тарифлар, шунингдек, жамиятларнинг устав капиталига қўйиладиган минимал талаблар фақат миллий валютада белгиланади;

давлат божлари, йиғимлари ва бошқа мажбурий тўловлар фақат миллий валютада ундирилади, консуллик йиғимлари бундан мустасно.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

хорижий валютада кредитлар бериш ва ундириш шартлари кредит сиёсатидан келиб чиққан ҳолда томонларнинг ўзаро келишувига асосан тижорат банклари томонидан мустақил белгиланади;

банкларнинг хорижий валюта олди-сотдиси билан боғлиқ операциялар бўйича таваккалчиликлари тадбиркорлик таваккалчилиги ҳисобланади ҳамда уларни бошқариш тижорат банкининг ваколатига киради;

хорижий валюта олди-сотдиси бўйича комиссион воситачилик ҳақи миқдори тижорат банки томонидан мустақил белгиланади;

Давоми 2-бетда.

❑ Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган ихчам, ҳаракатчан, замонавий талабларга тўла жавоб берадиган миллий армиямиз шакллантирилди.

МУДОФАА САЛОҲИЯТИ – ТИНЧЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 28 август куни Самарқандда ўтказилган сайёр видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари ва бу борадаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони дунёда ҳарбий-сиёсий вазият тобора ўзгариб, миллий ҳамда глобал хавфсизлик соҳасида хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда миллий армиямизни янада такомиллаштириш бўйича пухта ўйланган ҳаракатларни амалга оширишимиз зарурлигини таъкидлади.

Ватанни кўз қорачиғидек асраш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга камарбаста бўлаётган ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида Қуролли Кучларимиз сафларида мард ва жасур, ҳар томонлама билимли ёшлар хизмат қилмоқда.

Президентимиз видеоселектор йиғилишида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун замонавий шароит – уй-жой билан таъминлаш ва бошқа қулайликлар яратиш, уларнинг фарзандлари таълим-тарбияси ва ижтимоий химоясига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан ҳарбий хизматчиларга муносиб ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш мақсадида Чирчиқ шаҳрида 135 ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари учун 2-3 хонадан иборат кўп қаватли 8 та уй қурилиши бошлаб юборилган ва бу уйлар шу йилнинг декабрь ойида эгаларига топширилади.

Ангрен шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм ҳудудидаги ётоқхона қайта таъмирланди ва унинг 2- ва 3-қаватлари 42 ҳарбий оиласи учун ажратилди. 4-қавати эса оила қуришга улгурмаган 100 ҳарбий хизматчига берилди. Ўрта Чирчиқ тумани ва Ангрен шаҳридаги ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар учун 2018-2019 йилларда 16 та кўп қаватли уй қурилиши мўлжалланмоқда.

Ҳарбий қисм ва бирлашмаларни моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш Қуролли Кучларимиз салоҳияти ва жанговар қобилияти мустаҳкамлигининг яна бир муҳим шартидир. Тошкент вилоятида 486 миллион сўм маблағ эвазига вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғув пункти тўлиқ қайта таъмирланди.

Ҳарбий қисм ва бирлашмаларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз вақтида таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Уларга бириктирилган фермер хўжаликлари ва ишлаб чиқариш корхоналари томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ўзлари учун хавфсиз ва қулай, уларга миллий ғурур ва ифтихор бағишлайдиган энг замонавий ҳарбий кийим-кечак ва пойабзал билан таъминланаётир. Ҳарбий кийим турларининг янги моделларини ишлаб чиқишни ташкил этиш масаласи ҳам доимий эътиборда.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилишни янада кучайтириш мақсадида Чирчиқ, Ангрен ва Нурафшондаги гарнизонларда ҳарбий хизматчиларнинг 102 оила аъзоси ўз мутахассислиги бўйича ишга, 285 ҳарбий хизматчининг 326 фарзанди мактабгача таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларига жойлаштирилди. Ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг 98 нафари Бўстонлиқ туманидаги "Бурчмулла" санаторийсида, уларнинг 232 фарзанди "Тонг" болалар оромгоҳида дам олдирилди.

Давоми 3-бетда.

❑ Маънавият

"...Исрофгарчилик ақлга зид ишдир. Исроф деганда кераксиз нарсаларга беҳуда пул сарфлаш ҳам тушунилади. Исрофгарчиликнинг охири ҳалокат билан тугайди. Бундай одам қанчалик бой бўлмасин, барибир оқибатда камбағалга айланади. Чунки исрофгарнинг сарф эшиги доим очиқ бўлиб, тежами бўлмайди. Охир-оқибат ундан камбағаллик ҳам кириб келади".

ТЎЙЛАР ИХЧАМ – БАХТЛАР БЕКАМ,

ҒАЛВАЛАР КАМ...

Доноларимизнинг ушбу фикрлари, айниқса, орзу-ҳавасли халқимизнинг тўй-маъракалари ҳақида гап кетганда тез-тез хаёлдан ўтаверади. "Тўй-тўйга улансин", "Топганларинг тўйларга буюрсин" каби яхши ниятлар тилидан тушмайдиган отахону онахонларимиз ҳам элимизда доим тўкинчилик бўлишини истайди. Лекин, борбудини сарфлаб, етмаганига қарз олиб, ким ўзарга тўй қилишлар бу истаклар рўёбига тўсқинлик қилаётгани ҳам бор гап.

Давоми 4-бетда.

НУРАФШОН ШАҲРИ:

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИНГ ЯНГИ МАНЗИЛИ

2017 йилнинг 24-25 август кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қанча, хусусан, вилоятимиз ҳаётига оид масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, Тўйтепа шаҳри номи Нурафшон деб ўзгартирилди ва расман вилоятнинг маъмурий маркази этиб белгиланди.

Тарихий манбаларда ёзилишича, ҳозирги Нурафшон шаҳри XII асргача "Новкат" – "янги қишлоқ" номи билан атаб келинган. У Қорахонийлар ва Сомонийлар ҳукмронлиги даврида (Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари оралиғида жойлашган) қадимий Илоқ давлатининг марказий шаҳарларидан бири бўлган.

Давоми 3-бетда.



Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.

❑ Таълим

Президентимизнинг "Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори нафақат ёшлар, балки бутун вилоят аҳлини қувонтирди. Энди вилоятимиз йигит-қизлари таълимни давом эттиришлари учун пойтахтга боришларига ҳожат йўқ.

ЧИРЧИҚДА ИЛК МАШҒУЛОТЛАР БОШЛАНДИ

Зеро, қарорни қабул қилишдан мақсад вилоятимиздаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларига малакали тарбиячилар, ўқитувчилар етказиб беришдир. Шунингдек, аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича етук кадрларни тайёрлаб, шу орқали туманлар ва қишлоқ жойларидаги таълим муассасаларини юқори билим ва замонавий тажрибага эга педагоглар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бинобарин, ёш авлоднинг эртага қандай инсон бўлиб камол топиши, бугун уларнинг қандай таълим-тарбия олаётганига боғлиқ. Шундан бўлса керак, мустақилликнинг илк кунлариданоқ ёшлар таълими ва тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Янги ташкил қилинган институтда навбатдаги ўқув йили бошланишига бағишлаб ўтказилган тадбирда шу хусусида гапирилди.

Сўз олганлар мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар янги босқичга кўтарилганини алоҳида қайд этдилар. Фарзандларимизнинг теран дунёқараш эгаси бўлиб вояга етишлари, ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол ўсишлари миллат бардавомлигини таъминлаши таъкидланди.

– Қизим талабалик бахтига муяссар бўлди, – дейди Хуснора Маллаева. – Тиним билмай ўқиди, тайёрланди, ўз устида ишлади. Шукрки, унинг эзгу истаклари ижобатини топди.

– Болалигимда қўғирчоқларимга дарс ўтишни машқ қилардим, – дейди Анора Санақулова. – Қизиқишларим мени бошланғич таълим йўналишига етаклади. Институтни тугатгач, жажжи болажонларга дарс бераман.

Институтда Анора каби 750 нафар йигит-қиз, 21 йўналишда таҳсилни бошлади.



Шуни айтиш керакки, таълим даргоҳида талабалар учун барча шарт-шароит яратилган. Хоналар замонавий жиҳозлар, сўнгги русумдаги техникалар билан таъминланган.

Ўқув йили бошланиши муносабати билан ташкиллаштирилган тадбир чинакам байрамга айланиб кетди. Тадбир иштирокчилари талабаларни тантанали равишда машғулотга кузатдилар.

Ирода НОРБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ВАЛЮТА СИЁСАТИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

тижорат банкларига хорижий валютада операцияларни амалга ошириш бўйича лицензия бериш амалиёти бекор қилинади. Тижорат банкларининг хорижий валюта билан операциялари банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3082-сонли қарори билан тузилган Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нарх-навони мониторинг ва назорат қилиш Республика ва доимий фаолият юритадиган ҳудудий комиссиялари нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрсин, шу жумладан, қуйидагилар орқали:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматлар учун нарх ва тарифлар асоссиз ошишининг олдини олиш ва бунга чек қўйиш, уларнинг тақчиллиги ва уларга бўлган ажиотажли талаб юзага келишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни, шунингдек, уларни сотиш жараёнида коррупцияга ва суиистеъмолликка қарши курашиш чораларини кучайтириш;

ижтимоий аҳамиятга эга асосий товарлар, шу жумладан, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг чакана нархларини шакллантириш бўйича белгиланган тартибга риоя этилишини ҳар куни тизимли ўрганиш ва назорат қилишни таъминлаш;

мамлакатимиз ҳудудий бозорларини Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳамда озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликларига шароитлар яратиш, шу жумладан, ўзлари ишлаб чиқарган товарларни воситачиларсиз тўғридан-тўғри аҳолига сотиш учун махсус майдончалар ташкил этиш орқали истеъмол товарлари билан тезкор тўлдириш;

йирик улгуржи импортчи ташкилотлар билан биргаликда импорт қилинадиган истеъмол товарлари

Бошланиши 1-бетда.

нархларининг барқарорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда валюта сиёсатини либераллаштириш оқибатларини юмшатишни назарда тутувчи ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин, уларда қуйидагилар:

банкларнинг капиталлашув даражаси ва ликвидлигини таъминлаш орқали уларнинг таваккалчиликларга бардошлилигини ошириш, халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда банк таваккалчиликларини баҳолашни такомиллаштириш, тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий қилишни кўзда тутувчи республика банк тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар;

иқтисодиёт ва аҳолини энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлашга, хорижий кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатишда давлат томонидан молиявий ёрдам бериш, солиққа тортиш механизмлари ва тамойилларини такомиллаштириш, давлат томонидан вақтинча субсидиялар ажратиш, Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва тижорат банклари кредитларини реструктуризация қилишга қаратилган иқтисодиётнинг таянч тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари;

импорт қилинаётган товарлар ва хизматлар ички нархларининг ўсишига йўл қўймаслик мақсадида божхона тўловлари ставкаларини оптималлаштириш чора-тадбирлари;

2017-2018 йилларда 14 ёшга тўлмаган фарзандлари бўлган оилалар учун белгиланган нафақа олувчилар сонини ўртача 1,5 баробар ва кам таъминланган оилалар учун белгиланган моддий ёрдам олувчилар сонини 2 баробарга ошириш, ишсиз фуқаролар учун аҳоли пунктлари, маҳаллаларни ободонлаштириш, ариқлар, ирригация тармоқларини тозалаш, уй-жой коммунал хўжалиги объектларини таъмирлаш, инфратузилмани яхшилаш, йўл ва кўчаларни таъмирлаш бўйича ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларини ташкил этиш, шунингдек, Давлат бюджети, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш, шу жумладан, оилаларнинг алоҳида давлат кўмагига эҳтиёжманд тоифаларига уй-жой таъмирлаш ёки харид қилиш, қорамол, парранда ва энг зарур маиший техника сотиб олишга кўмаклашиш ҳисобига аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кучайтириш назарда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

солиққа тортиш базасини кенгайтириш ва ички захираларни сафарбар қилиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига бюджет даромадларини ошириш орқали 2017 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг профицит билан бажарилишини таъминлаш, шунингдек, Давлат бюджетида кўзда тутилган барча тадбирларнинг тўлиқ молиялаштирилишини таъминлаш ва тасдиқланган харажатларни асоссиз қисқартириш амалиётига барҳам бериш;

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича тасдиқланган давлат дастурларида кўзда тутилган чора-тадбирларни сўзсиз амалга оширишни назарда тутган ҳолда, 2018 йилги Давлат бюджети лойиҳасини профицит прогнози билан ишлаб чиқиш;

хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақларидаги чет эл валютасидаги маблағларини қайта баҳолаш натижасида олган фойдаси солиққа тортиш базасига киритилмайдиган вақтинча тартиб (2018 йилнинг 1 июлига қадар) белгилаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича мазкур Фармонда белгиланган нормалар таъсирининг таҳлилидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Унда:

ҳавола қилувчи меъёрларни максимал даражада қисқартирган ҳолда, валюта операцияларининг амалиётда учрайдиган барча жиҳатлари;

Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг барқарорлигини таъминлаш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз валюта маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқини тўлиқ рўёбга чиқариш;

республика иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларни тартибга солиш масалалари кўзда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида накд чет эл валютасининг ноқонуний муомаласини ва накд чет эл валютаси билан ноқонуний операцияларни амалга оширишни бартараф этиш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур Фармон талабларига мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М. Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 2 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига шарҳ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, аввало, амалдаги валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, валюта сиёсатини либераллаштириш, барча тадбиркорлик субъектига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони қабул қилинишига мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, хорижий инвестицияларни жалб қилишга тўсқинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлиги асосий сабаб бўлди.

Жумладан, валютани тартибга солишга ҳаддан зиёд маъмурий аралашув, ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва хўжалик юритувчи субъектлари учун алоҳида имтиёз ва преференциялар мавжудлиги оқибатида тадбиркорлик субъектлари ўртасида бизнесни юритишга доир тенг бўлмаган шарт-шароитлар пайдо бўлди ҳамда параллел чет эл валютаси бозори ва айирбошлаш курси вужудга келди.

Валюта курси сиёсатининг ташқи савдони рағбатлантиришдаги ролининг сусайиши маҳаллий ишлаб чиқарувчилар товар ва хизматлари нархларининг ташқи ва ички бозордаги рақобатдошлигини пасайтирди.

Мамлакатимизда фақатгина бозор механизмлари асосида фаолият кўрсатадиган валюта бозорини шакллантириш барча банкларнинг мижозлар (юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар) эҳтиёжларини қондириш мақсадида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш учун валюта биржаси савдоларида эркин иштирок этишини, шунингдек, мижозларнинг чет эл валютасини сотиб олиш бўйича амалдаги тартиб ва техник регламентларига риоя этган ҳолда ўз валюта маблағларини ҳеч қандай чекловсиз тасарруф этишини тақозо этади.

Мазкур Фармон билан юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл валютаси жорий халқаро валюта операцияларини амалга ошириш учун банкларда эркин сотиб олиниши ва сотилиши кафолатланади.

Хусусан, **юридик шахслар** ўз маблағларини банкларда жорий халқаро валюта операцияларини, шу жумладан, товар, иш ва хизматлар импорти, фойдани репатриация қилиш, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо характерига эга бўлмаган операцияларни амалга ошириш учун чет эл валютасига чекловларсиз эркин конвертация қилишлари мумкин.

Таъкидлаш жоизки, жорий халқаро операциялар бўйича тўловларни банклардаги ҳисобварақлар орқали амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бозор курсида чет эл валютасини сотиб олиш имкониятининг яратилиши "яширин" иқтисодиётнинг қисқаришига ва пул маблағларини банк айланмасига жалб қилишга хизмат қилади.

Жисмоний шахслар ҳам тижорат банкларининг конверсион бўлимларида чет эл валютасини эркин сотиб олиши, сотиб олинган маблағларни халқаро тўлов карталарига ўтказиб, улардан хорижда ҳеч қандай чекловларсиз, шу жумладан, банк ҳисобварақлари орқали хорижда ўқиш, даволаниш ва бошқа мақсадлардаги тўловлар учун фойдаланиши мумкин.

Халқ истеъмол товарларини импорт қилиш билан шуғулланувчи **якка тартибдаги тадбиркорлар** банклардаги ҳисобварақларида савдо тушумини ва бошқа даромадларини жамғариб борган ҳолда кейинчалик уни жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда, яъни сотиб олинган валюта маблағларини халқаро тўлов карталарига ўтказиш ва чет элда чекловларсиз, шу жумладан, товарларни импорт қилиш учун ишлатиши мумкин.

Аҳолидан накд чет эл валютасини сотиб олиш тижорат банкларининг барча филиал ва мини-банклари томонидан чекланмаган миқдорда ва сарсонгарчиликсиз амалга оширилади.

Бундан ташқари, банклар томонидан аҳоли билан валюта айирбошлаш операцияларини сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш тартибини соддалаштириш;

байрам ва дам олиш кунларида валюта айирбошлаш шохобчаларининг узайтирилган иш тартибини жорий қилиш;

тижорат банкларининг филиаллари ва мини-банкларида, айниқса, йирик савдо марказлари ва бозорларда қўшимча валюта айирбошлаш шохобчаларини очиш;

конверсион бўлимлар орқали чет эл валютасини сотишда олинадиган воситачилик ҳақи миқдорини имкон даражасида пасайтириш чораларини кўриш;

халқаро тўлов карталаридан хорижда фойдаланишда мавжуд барча чекловларни бекор қилиш назарда тутилган.

Шу билан бирга, маҳсулот ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва фермер хўжаликларининг экспорт фаолиятини рағбатлантириш мақсадида уларга чет эл валютасидаги даромадларини ўз хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш, бунда банк ҳисобварақларидан накд чет эл валютасини ечиб олишгача бўлган ҳуқуқ берилади.

Кейинги йилларда экспортчиларни рағбатлантириш учун кўплаб ишлар амалга оширилди, уларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кўплаб имтиёзлар берилди, экспорт фаолиятини ташкил этиш бўйича қатор тартиботлар бекор қилинди. Экспорт борасида мавжуд имтиёзларга қарамасдан валюта тушумини мажбурий сотиш талаби экспортни янада рағбатлантириш йўлида асосий тўсиқ бўлиб, экспортчилар ўз валюта тушумини тўлиқ тасарруф этиш имкониятига эга эмас эди, бу эса экспортни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган сиёсатга мос келмайди.

Шу сабабли мазкур Фармон билан товарлар (иш, хизматлар) **экспортидан тушган валюта тушумини мажбурий сотиш тартиби** мулкчилик шакли ёки экспорт қилинаётган маҳсулот туридан қатъи назар, барча экспортчи ташкилотлар учун **бутунлай бекор қилинди.**

Бозор тамойиллари асосида валюта ресурслари оқимининг самарадорлигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, шунингдек, ташқи савдода валюта сиёсатининг рағбатлантирувчи ролини ошириш мақсадида **миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан айирбошлаш курси фақатгина** валюта биржасининг банклараро электрон савдоларида валютага бўлган **талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.**

Бунда айирбошлаш курсини бозор механизмлари асосида шакллантириш мақсадида банклараро савдоларда Марказий банкнинг иштироки камайтирилади. Алоҳида ҳолларда Марказий банк айирбошлаш курсининг ҳаддан ортиқ тебранишини бартараф этиш учун хорижий валютани сотиш ёки сотиб олиш операцияларини амалга ошириши мумкин.

Айирбошлаш курсини эгилувчан ҳолда тартибга солиш республикага келадиган барча валюта ресурслари (экспорт тушуми, трансчегаравий пул ўтказмалари ва бошқалар) оқимининг расмий бозорга келиб тушиши орқали чет эл валютасига бўлган жами талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлаш ва олтин-валюта захиралари ҳажмларини аввалгидек юқори даражада сақлаб қолиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, хорижий валютани эркин сотиб олиш ва сотиш имконияти ва миллий валюта айирбошлаш курсини бозор механизмларидан фойдаланган ҳолда белгилаш мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлиги ва рентабеллигини ошириш билан бир қаторда мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан янги технологиялар ва билимларни жалб қилиш, экспорт имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, айирбошлаш курсининг либераллаштирилиши экспорт имкониятларини оширишда кучли рағбатлантирувчи омил бўлиб, бу ноанъанавий соҳа ва тармоқларда экспорт ҳажмининг ортишига кўмаклашади ва айирбошлаш курсига таъсирчан товар экспортчиларининг молиявий ҳолатини нафақат экспорт ҳажмининг ошиши, балки олинган даромадларни миллий валютага қайта ҳисоблаганда вужудга келадиган фойда ҳисобидан ҳам тубдан яхшилайди.

Валюта сиёсатини ислоҳ қилишга Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишдаги биринчи зарурий қадам сифатида қаралмоқда ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан пул-кредит, солиқ-бюджет ва иқтисодий сиёсатнинг бошқа соҳаларида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг самарали мувофиқлаштирилишига боғлиқ.

Айирбошлаш курси барқарорлигини таъминлашда пул-кредит кўрсаткичларининг ўзгариши ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда, Марказий банкка монетар инструментлардан фаол ва кенг равишда фойдаланиш орқали миллий валютанинг барқарорлигини ва инфляциянинг паст даражада бўлишини таъминлаш, пул массаси ҳаддан зиёд ва асосланмаган ҳолда ўсишининг олдини олиш, давлат харажатлари ва даромадларининг мутаносиблигини таъминлашга қаратилган қатъий монетар сиёсат юритиш вазифаси юклатилган.

Фармонда кўзда тутилган фискал чора-тадбирларни кўриш, яъни бюджет харажатларини қатъий равишда Давлат бюджетига келиб тушган даромадлар доирасида амалга ошириш, 2017-2018 йилларда Давлат бюджетини профицит билан ижро этиш имконини беради.

Бунда иқтисодиётда нархлар ўзгариши устидан самарали назоратни таъминлаш ҳамда монетар ва фискал сиёсатни мувофиқлаштириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган пул-кредит сиёсатининг янги тамойил ва механизмларини жорий қилиш муҳим ўрин тутади.

Валюта сиёсатини либераллаштириш шароитида банк тизими барқарорлигини таъминлаш борасида вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни назорат қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Банк тизимининг барқарорлиги нафақат мижозларнинг хорижий валютага бўлган талабини қондириш нуқтаи назаридан, балки кредит портфели, депозит базаси ва кўрсатилаётган хизматлар таркибида кутилаётган сифатли ўзгаришлар нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир.

Шу муносабат билан банк тизимининг барқарорлиги тижорат банкларининг капиталлашув даражасини сақлаш, пруденциал назоратни кучайтириш, шунингдек, валюта сиёсатини либераллаштиришнинг содир бўлиши мумкин бўлган салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали таъминланади.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг дастлабки босқичи сифатида давлат банкларининг устав капиталига 655 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ киритилганини таъкидлаш жоиз. Банкларнинг ликвидлигини таъминлаш учун уларга қайта молиялаштириш кредитларини бериш механизми жорий қилинди.

Президент Фармонида илғор халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда содир бўлиши мумкин бўлган банк хатарларини тўғрисида барвақт огоҳлантириш, уларни баҳолашни такомиллаштиришни ўз ичига олган қатор банк назорати ва мониторинги инструментларини жорий қилиш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Шунингдек, мазкур Фармонда:

хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларидаги чет эл валютасидаги маблағларини қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган молиявий натижа солиққа тортиш базасига киритилмаслигини кўзда тутувчи вақтинчалик тартиб жорий этиш;

иқтисодиётнинг устувор тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда банкларнинг кредитларини реструктуризация қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш белгиланган.

Халқаро валюта фондининг баҳоларига кўра, валюта сиёсатини либераллаштириш ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иш ўринларини яратиш ва иқтисодиётнинг ўсиш суръатларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади.

Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қисқа муддатли истиқболда аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларига нисбатан вужудга келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида аниқ манзилли ва шаффоф ижтимоий нафақа ва субсидиялар жорий этиш, касаначиликка, томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланишга кенг жалб қилиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг турмуш шароитларини имтиёзли микрокредитлар ажратиш орқали яхшилаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Банд бўлмаган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, жумладан, уй-жой фонди объектлари ва уй-жой коммунал инфратузилмаси, кўчалар, йўллар, маҳаллалар ҳудудлари, ижтимоий-маданий аҳамиятдаги объектлар, ирригация тармоқларини ободонлаштириш ва таъмирлаш, шунингдек, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари ва имконияти чекланган шахсларга ёрдам беришга жалб қилиш кўзда тутилган **янги механизми** жорий қилинаётганини қайд этиш лозим.

Валюта айирбошлаш курсини либераллаштиришнинг товар ва хизматлар, айниқса, халқ истеъмоли товарларига ички нарх-навонинг шаклланишига таъсирини камайтириш мақсадида амалдаги божхона меъёрлари ва тўловлари ставкаларини тубдан қайта кўриб чиқиш вазифаси белгиланди.

Бундан ташқари, ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нарх-навони мониторинг ва назорат қилиш Республика ва доимий фаолият юритадиган ҳудудий комиссияларга нархларнинг барқарорлигини ва бозорларнинг истеъмол товарлари билан тезкор тўлдирилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

Мазкур Фармон билан миллий валютага бўлган ишончни кучайтиришга қаратилган қатор нормалар белгиланди. Кейинги йилларда айрим товар ва хизматларни (автомобиллар, авиачипталар ва бошқалар) республика ҳудудида чет эл валютасига сотиш амалиёти тадбиркорлар ва аҳолига ноқулайликлар яратиб, уларнинг эътирозига сабаб бўлаётган эди.

Бундан ташқари, товар ва хизматлар нархини чет эл валютасида ўрнатиш ҳолатлари ҳам Марказий банк расмий курси ўзгариши оқибатида нархларнинг миллий валютага ҳисобланганда асоссиз равишда ошишига олиб келаётган эди.

Бундан буён республика ҳудудида барча товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоблар ва тўловлар, давлат божларининг ундирилиши, товар ва хизматлар нархларининг белгиланиши фақат миллий валютада амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига қулай шароитлар яратиш мақсадида мазкур Фармон билан чет эл валютасида ажратилган кредитларни банкнинг кредит сиёсати ва томонларнинг келишуви асосида миллий ёки чет эл валютасида қайтарилишига рухсат берилди.

Валюта бозорини либераллаштириш жараёнида давлат иқтисодий сиёсатининг мазкур Фармонда белгиланган устувор йўналишларининг тўлиқ ижроси таъминланиши барча ташқи савдо фаолияти қатнашчиларига тенг шароит яратади ҳамда Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг мавқеини кучайтиради, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.



МУДОФАА САЛОҲИЯТИ — ТИНЧЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Чақириққача бўлган ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, Ватан тақдири учун масъулиятли қилиб тарбиялаш – Қуролли Кучларимизни салоҳиятли, билимли ва, албатта, ватанпарвар кадрлар билан тўлдиришнинг энг муҳим шартидир. Шу мақсадда жорий йилда умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг 725 ўқувчисининг вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларга ташрифи ташкил этилди.

Ёшларни амалий жиҳатдан ҳарбийлик касби сирларига ўргатиш мақсадида Ўрта Чирчиқ туманидаги ҳарбий қисм ва бирлашмалар ҳамда Чирчиқ шаҳридаги Сержантлар тайёрлаш мактабида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказилди.

Бошланиши 1-бетда.

Халқ билан миллий армиямиз ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлашда вилоят ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган жамоатчилик кенгашининг фаолияти алоҳида эътиборга молик.

Олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун муносиб номзодлар тайёрлашни ташкил этиш масаласи ҳам доимий эътиборда. Жумладан, Тошкент давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейи ва Бекобод туманидаги Далварзин касб-ҳунар коллежини таъмирлаш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишларига 130 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Мазкур таълим муассасаларида сифатли ўқув-тарбия жараёни ҳамда педагоглар малакасининг доимий равишда ошириб борилишини ташкил этиш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан Тошкент ҳарбий округи билан келишилган ҳолда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Бошланғич ҳарбий тайёргарлик бўйича таълим бераётган ўқитувчилар малакасини ошириш учун жорий йил апрель ойида Чирчиқ шаҳридаги офицерлар уйи ва Сержантлар тайёрлаш мактабида барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари чақирувга қадар бошланғич ҳарбий тайёргарлик ўқитувчиларининг 3 кунлик ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди.

Миллий армиямиз ва халқимиз якдиллигини янада мустаҳкамлаш мақсадида бир ойда камида 2 маротаба ҳарбий қисм ва бирлашмаларга кириб, уларнинг муаммоларидан хабардор бўлиш, қўллаб-қувватлаш, ҳарбий таълимга ихтисослашган таълим муассасалари фаолиятини юксалтириш, пировардида Тошкент ҳарбий округини намунали округга айлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Мухтасар айтганда, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, аввало, юртимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш мамлакатимизда эркин, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг ишончли кафолати бўла олади.

Шукурулло БОБОЕВ,
Тошкент вилояти ҳокими.
ЎзА.

❑ Жараён

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ ҲАЯЖОНЛАРИ

Истиқлолимизнинг 26 йиллик шодиёналарига болажонлар орзиқиб кутган яна бир байрам – Билимлар куни тантаналари уланиб кетди.



Мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида янги ўқув йилининг илк соатлари бугунги тинч, озод ҳаёт, фаровон турмушимиз кафолати бўлган мустақиллигимизнинг асосчиси, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовга бағишланган "Хотира дарслари" билан бошланди.

Вилоятимизнинг Ангрен шаҳридаги 18-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳам бу кунни шоду хуррамлик, кўтаринки кайфиятда кутиб олишди. Бу маскан халқ таълими фидойиси Маҳмуд Турғунбоев бошчилигидаги жамоанинг саъй-ҳаракатлари билан ўзгача файз-тароват касб этган. Яшилликка, анвойи гулларга бурканган мактаб ҳовлисида 1091 нафар ўқувчи саф тортди.

"Биринчи қўнғироқ" тадбирида иштирок этган Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, шоира Зарифа Эралиева ўқувчиларни янги ўқув йили билан қутлар экан, унинг ўзига хос жиҳатлари, мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар ҳақида сўзлаб, ўқувчиларга китоблар совға қилди.

Бу йил 119 нафар ўқувчи 1-синфда, 51 нафари 10-синфда ўқишни бошлашди. Дарҳақиқат, бу йилги мактаб ўқувчилари қаторида 10-синфда ўқийдиган йигит-қизларимизнинг борлиги ота-оналар қувончига-қувонч қўшди. Улар мамлакатимиз раҳбарининг қарори билан 9-синфдан кейинги таҳсилни жонажон мактабларида давом эттиришади...

Айниқса, 1-синфга келган жажжи болажонларнинг шодлигини айтмайсизми?! Уларга шаҳар ҳокими Ҳакимжон Абдулазизов бошчилигида 12 номдаги ўқув қуроллари жамланган "Президент совғаси" топширилди. Болажонлар ҳайрату ҳавас, қалбларида ширин энтиқиш билан ўз синфхоналарига йўл олишди. Ҳар бир синфда давом этган "Мустақиллик дарслари", "Хотира дарслари"да эркин, озод Ватанга муҳаббат, мустақиллик неъматларига шукроналик, истиқлол ғояларига садоқат ҳақида сўз борди. Биринчи Президент Ислом Каримов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган видеофильм намойиш этилди. Бу дарслар "Кеча, бугун ва эртага" тамойилига мувофиқ, қиёслаш ҳамда бугунги неъматлар қадрини чуқур англаш руҳида ўтди. Уларни асраб-авайлаш ҳар бир ўқувчининг бурчи экани таъкидланди.

– 9-синфдан кейинги таҳсилни жонажон мактабимда давом эттирадиган бўлдим, – дейди 10-синф ўқувчиси Элдор Мамиров. – Бундан ота-онам ҳам мамнун. Аъло ва яхши баҳоларга ўқиш билан бир қаторда ўзим истаган касб-ҳунарни эгаллашим ёки мактабни тамомлагач, олий таълим даргоҳларида ўқишим мумкин. Мен, биз – ёшларга катта эътибор бериб, улкан ғамхўрликлар кўрсатаётган ҳалқимга муносиб фарзанд бўлиш учун астойдил ҳаракат қиламан.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

БАҒРИНГГА ҚАЙТДИМ, ЖОНАЖОН МАКТАБ!



Хона сув қуйгандек жимжит, фақат ўқитувчи қўлидаги бўрнинг тиқ-тиқи эшитилаяпти.

Таътилдан бир-бирини соғиниб қайтган синфдошлар имо-ишорадан нарига ўтишолмайди... Ана қўнғироқ чалинди... Энди ўғил-қизлар бемалол салом-алик қилиб, ҳол-аҳвол сўрайдилар, таътил мароғи-ю, ўқиш завқини муҳокама қиладилар...

Ҳа, бир неча ойгагина ҳувиллаб қолган мактаб, яна ўқувчиларнинг шовқин-сурони-ю, шўх-шодон кулгуларига тўлган.

– Ўқувчиларимиз таътилда дам оладилар, аммо, биз ишлаймиз, – дейди Олмалиқ шаҳридаги 20-ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилором Дадажонова. – Ахир, янги ўқув йилига тайёргарлик қилиш, болаларимизга билим олишлари учун қулай шарт-шароит яратиш керак. Бу шарафли иш.

Дарҳақиқат, бу йил мактаб бир сидра таъмирдан чиқарилди. Ўқув хоналари, лаборатория, спорт зали ва ошхона пардозланди. Шунингдек, ахборот-ресурс маркази ва кутубхонада ҳам айтишга арзигулик ишлар бажарилди.

– Дарс тугагач, ўқувчиларимизнинг кўпчилигини кутубхонадан топасиз, – гапида давом этди Дилором опа. – Шунинг учун кутубхонамизнинг 3 мингга яқин китоб фондини янада бойитиб, 37 турдаги бадиий адабиётларни келтирдик. Ростини айтсам, йигит-қизларнинг китоб мутолаа қилаётганларини кўрсам қувонаман.

Салкам 30 йилдан буён фаолият юритаётган ушбу мактаб ўтган давр мобайнида минглаб ўқувчиларни тарбиялаган. Бу йил яна 175 ўғил-қиз 9-синфни битирди. Уларнинг 37 нафари ўқишни мактабда давом эттираяпти. Қолганлари эса олган билимини коллеж ва лицейларда мустаҳкамлайди.

– 10-, 11-синфларда таълимни давом эттириш имкони пайдо бўлганидан жуда хурсандман, – дейди 10-синф ўқувчиси Бекмурод Толипов. – Нега дейсизми? Чунки энди эртароқ талаба бўлишим мумкин. Олий ўқув юртига киролмасангчи, деган савол билан қараяпсиз-а? Йўқ, икки йил давомида тайёрланиб, албатта, мақсадимга эришаман.

Биз Бекмурод каби ўзига ишонган ёшларнинг орзу-ниятларига эришишларига тилакдошмиз.

Ирода МАҚСУДОВА.

Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.

❑ Сайёр қабул

Пискент туманидаги "Ёшлар" боғида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан Республика маънавият ва маърифат маркази, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят ҳудудий филиали ҳамда партиянинг вилоят ва туман кенгашлари ҳамкорлигида сайёр учрашув ташкил этилди.

ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Шу куни партиянинг марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов бошчилигида бир гуруҳ фаоллар тумандаги кексалар, нуронийлар ва беморлар ҳолидан хабар олди.

– Фарзандим тўрт йилдан буён оғир хасталик билан курашиб келмоқда, – дейди "Митан" маҳалласида яшовчи Сайёра Мирзакалонова. – Турмушим бузилган, шу боис ўғлим Мирзоҳиддоннинг саломатлигини тиклаш учун бир ўзим ишлаб, ҳаракат қилаяпман. Яшаш учун уй-жойим йўқ. Шароит бўлмаса-да, ота-онамнинг уйида вақтинча яшаяпмиз. Уй-жой масаласида ёрдам беришларини сўрадим.

Партия етакчиси мазкур масала тегишли тартибда ўрганиб чиқилиши ва уларга уй-жой ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилишини таъкидлади.

– Маҳалламиз асосий кўчасидаги йўл на ёзда, на қишда, умуман, талабга жавоб бермайди, – дейди "Ғайрат" маҳалласида яшовчи Дилором Абдиева. – Болаларимиз қишда, ёнгинчилик кунларида бу йўлдан мактабга қатнашга қийналишади.

Тадбир доирасида партия фаоллари, туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари аҳоли мурожаатларига жавоб қайтарди, уларнинг муаммоларини ўз жойида ҳал этишга интилди.

Мурожаатларнинг аксарияти аҳолининг бандлик масаласи бўйича бўлгани боис туманда бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил этилди.

Шунингдек, тадбир доирасида ёш уста-ҳунармандларнинг кўргазмаси намойиш қилинди. "Ёшлар" боғида туман аҳолиси "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят ҳудудий филиали томонидан бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

Хуршида НАЗАРОВА.

ҚУЁШДАН ҚУВВАТ ОЛИБ...

Янгийўл туманидаги А. Ортиқов қишлоқ врачлик пункти биносига қуёш электр панеллари хайрия йўли билан ўрнатиб берилди.

❑ Ташаббус

– Лойиҳага 30 миллион сўм маблағ сарф қилинди, – дейди "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи Миркарим Мирсовуров. – Муқобил энергиянинг етказилиши нафақат муассаса ходимлари, балки аҳоли учун айни муддао бўлди. Шу билан бирга, тиббиёт ходимларига қийинчилик туғдираётган муаммолар ўз ечимини топди.

Дарвоқе, 69-сонли оилавий поликлиника ҚВП биносига жойлаштирилди. Энди яратилган имконият ва қулайликдан 30 мингдан зиёд аҳоли баҳраманд бўлиши мумкин. Шу муносабат билан оилавий поликлиникада ташкиллаштирилган давра суҳбатида сўз олганлар хайрия жамоат фонди ва бошқа ҳамкор ташкилотларга ўз миннатдорлигини билдирдилар.


– Биласиз, вакциналар музлаткичда сақланади, – дейди ҳамшира Сайёра Самандарова. – Электр ўчган вақтда уларнинг ҳароратини назорат қилишга бир оз қийналардик. Эндиликда, бу муаммо бутунлай бартараф этилди.

Ўз мухбиримиз.

НУРАФШОН ШАҲРИ:

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИНГ ЯНГИ МАНЗИЛИ





Ўша пайтлар бу ерда олтин, кумуш ва мис тангалар зарб қилинган. Бу мазкур шаҳарда тижорат – савдо-сотиқ азалдан ривожланганини англатади.

Яқиндан Нурафшон номини олган ушбу қадимий шаҳарда кейинги пайтларда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Одамларга, тадбиркорларга ҳар жиҳатдан қулайлик яратиш, уларни рози қилиш, қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ўтказилаётган тадбирларда аҳолини қийнаётган турли муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Ўтган қисқа вақт мобайнида бу ерда бир қатор қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлигининг эски биноси реконструкция қилиниб, вилоят ҳокимлигига вақтинча, янги бино қурилгунга қадар берилди. Тошкентдан Нурфшонгача бўлган йўл кенгайтирилиб, асфальтланди. Келажакда ушбу йўлни автобанга айлантириш белгиланган. Шунда Нурафшондан пойтахтимизга 14-17 дақиқада етиб олиш имконияти яратилади. Айтишларича, бунга йўлни янада кенгайтириш, равонлаштириш, ушбу трассани тезликка мослаштириш орқали эришилади.

Вилоятимиз маъмурий марказига элтувчи мазкур йўл ёқасида биринчи қаватига савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари жойлаштириладиган кўп этажли уй-жойлар, турли бино ва иншоотлар қуриш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини изчил давом эттириш режалаштирилган.

Шаҳарни ҳар жиҳатдан ривожлантириш, бутунлай янги лойиҳа бўйича қайта қуришга қаратилган ишларни жонлантиришда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг вилоятимизга ташрифи чоғида берган кўрсатма ва топшириқлари, тегишли Фармон ва Қарорлари, хусусан, 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси", Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 сентябрдаги "2016-2018 йилларда Тошкент вилояти шаҳарларини ва туманларини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бошланиши 1-бетда.

Таъкидлаш жоиз, энг тажрибали, таниқли хорижлик архитекторлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган Нурафшон шаҳри ва унга туташ ҳудудларни реконструкция қилиш бўйича бош режа тасдиқланди. У асосида янгиланаётган шаҳар қурилиши учун ажратилган майдонга ўта замонавий услубда, бири иккинчисини такрорламайдиган иморатлар, боғ-роғлар барпо этилади. Тошкент вилояти ҳокимлиги тизими бошқарма ва ташкилотлари учун алоҳида бино ва иншоотлар қад кўтаради. Шунингдек, уй-жойлар, ички йўллар, корхоналар, таълим, тиббиёт ва молия муассасалари, маданий-маиший объектлар, ётоқхона ва меҳмонхоналар, хизмат уйлари, спорт иншоотлари қурилади.

Улар пухта ўйланган режа асосида, тартиб билан жойлаштирилиши биринчи навбатда Нурафшон шаҳри аҳлига, бу ерда ишловчи ва ўқийдиган юртдошларимизга, келиб-кетувчи меҳмонларга, сайёҳларга катта қулайлик яратади, шунинг баробарида завқ бағишлайди.

Айни кунда янги "кент" қурилиши бошлаб юборилган. Мисол учун, икки минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган "Обод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳар бири 42 квартирали тўртта 7 қаватли уй қурилиши жадал давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 22 ноябрдаги "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида бўй кўрсатаётган ушбу турар-жойлар қурилишида "Янги замон" ва бошқа бир қатор қурилиш ташкилотлари ишчи-хизматчилари фаол иштирок этмоқда.

– Ушбу объектда 42 квартирали битта етти қаватли уй қурилишини зиммамизга олганмиз, – дейди "Dream buildings" масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси Беҳзод Абдурахмонов. – Айни кунда фундамент ишларини якунлаб, ғишт теришга тушдик. Зарурий ва сифатли қурилиш материалларининг пешма-пеш етказиб берилаётгани иш самарадорлигини оширмоқда.

Нурафшонда вилоят ҳокимлиги тизими бошқарма ва ташкилотларининг фаолият бошлаши шаҳарни гавжумлашиши, аҳолининг кўпайиши, йўлларда автомобиллар тирбандлиги юзага келишига олиб келмоқда. Шу боис, шаҳарда ўрнатилган тартиб назоратини кучайтириш, ички йўлларни кенгайтириш чоралари кўрилаётир. Ана шу ишлар доирасида Ойбек номли ва "Майрамкўл" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларидан ўтувчи ички йўллар таъмирланди.

Давлат ҳокимияти органлари ва ҳуқуқ-тартибот идораларида меҳнат қилаётган, Нурафшонга узоқдан қатнаб ишлайдиган ишчи-хизматчилар учун уй-жойлар қурилиши бошланган. Хусусан, "Деҳконобод" маҳалла фуқаролар йиғинида йигирмага яқин шундай турар-жой қурилаётир. Ушбу объект қурилиш жараёнида фаол иштирок этаётган Чиноз туманидаги "33-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна" масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси Илҳом Умаровни суҳбатга тортдик.

– Қурилишда кўп ишлатиладиган цементни "Оҳангаронцемент"дан, ғиштни эса Янгийўлдаги "Кошона файз" ҳамда Чиноздаги "Меҳнат" масъулияти чекланган жамиятларидан олмоқдамиз, – дейди у. – Юртимизда ишлаб чиқарилаётган сантехника маҳсулотларидан фойдаланаяпмиз. Сантехникларнинг айтишича, уларнинг сифати хорижда ишлаб чиқариладиган шу турдагисидан асло қолишмайди, нархи арзон.

Вилоятимиз маркази – Нурафшон шаҳрини қайта, янгидан қуриш жараёнида иштирок этаётганимиздан фахрланамиз. Ниятимиз – бу ерда жадал давом этадиган бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиш.

Нурафшонда амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларидан, шаҳарнинг вилоят маъмурий марказига айланганидан аҳоли мамнун.

– Шу ерда туғилиб-ўсганман, – дейди шаҳардаги Муқимий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жўра Отақулов. – Шаҳримиздаги бугунги ўзгариш ва янгиланишларни кўриб, қалбим фахр-ифтихорга тўлади, суюнаман. Энди бу ер Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қарши шаҳарлари каби вилоят марказига айланади, тубдан янгиланиш арафасида. Лойиҳасидан юрак ҳаприқади, у билан танишиб, лол қолдим – эртаклардаги шаҳардек.

Нурафшон бежиз вилоятимиз марказига айлантирилмади. Унинг географик жойлашуви талабга ҳар жиҳатдан мос. Унга вилоятимиз шаҳар ва туманларидан қатнаш қулай ва яқин.

– Шаҳримизда амалга оширилаётган ишлар доирасида ер усти ва ости коммуникация тизимлари янгиланади, – дейди вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Актам Чоршанбиев. – Алоқа хизмати, электр энергия, табиий газ, сув-оқова тизимлари янада такомиллаштирилади, таъминоти тубдан яхшиланади. Эътиборли жиҳати, шаҳар аҳлини электр энергия билан таъминлашда қуёш энергиясидан унумли фойдаланиш назарда тутилаётир.

Бажариладиган бу борадаги ишлар жараёнида энг илғор технологиялар тизими, замон талабларига мос ва ўзига хос дизайн шакллари, қурилишнинг янгича усулларидан кенг фойдаланилади. Бу ишлар Нурафшонни чин маънода нурли, замонавий, "смарт" шаҳарга айланишига хизмат қилади.

Шаҳарни ҳар жиҳатдан ривожланиши унга яқин бўлган Пискент, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ ва Оҳангарон туманларига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Кўплаб корхоналарни ишга тушиши янги иш ўринлари яратилишига имкон беради. Турли хизматлар кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва раҳнамолиги билан вилоятимизда, хусусан, Нурафшонда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар шаҳар ва туманларимизда, айниқса, бу ерда яшовчи аҳоли кайфияту руҳиятини кўтармоқда, уларни ҳаётга бўлган қизиқишини ошириб, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар.

Маънавият

ТЎЙЛАР ИХЧАМ – БАХТЛАР БЕКАМ, ҒАЛВАЛАР КАМ...

Хусусан, вилоятимизда ўтказилаётган тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимлар бундан мустасно эмас. Тўғри, кенг жамоатчилик олиб бораётган тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида "Кичик фотиҳа", "Катта фотиҳа", "Тўй юборар", "Келинсалом", "Чарлар", "Чақириқ", "Ҳайит чойи", "Қизлар базми" каби тадбирлар ихчамлаштирилди, баъзи ҳудудларда эса ушбу маросимлардан воз кечилди. Лекин, айрим шаҳар ва туманларимизда ортиқча дабдабабозликлар ҳамон давом этмоқда. Оқибатда кўпгина нохуш ҳолатларга йўл очилаяпти.

Масалан, 200-300 кишилик "Қарз" тўйи ёки 500-600 кишилик "Эҳсон", "Ақиқа" тадбирлари, ғарб мамлакатларига хос "торт едириш" (келинни ўзи едиради), "Қиз базми" ёки "Куёв кутиш", "Куёв ўғрилаш", "Тўй қайтариш", никоҳдан ўтиш маросимида 9-12 тагача қимматбаҳо машиналарни қаторлаштириб қўйиш, кейин кафеда спиртли ичимликлар бизнинг ниқоб остидаги муҳитга боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас. Ҳар томонлама соғлом оила фарзандлари бўлғуси куёв ёки келин томондан ортиқча дабдабани талаб қилмайди, бунга йигитлик ғурури, орияти ёки қизлик ибо-ҳаёси йўл қўймайди. Кейинги пайтларда шундай ўғил-қизларимиз ташаббуси, ота-оналар розилиги билан камхарж, ихчамлаштирилган тўйлар ўтказилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Айниқса, камхарж оилалар фарзандларининг никоҳ тўйлари ёшларга манзур бўлмоқда. Зангиота, Қибрай, Ўрта Чирчиқ туманларидаги шундай тўйлар маҳаллалар фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари иштирокида ўтказилаяпти.

Бу тўйларда "Севги тарихи" ҳақидаги видеороликлар, гул отиш, торт едириш, келинни кўтариб рақс тушиш каби бачкана одатларга ўрин қолмади. Шунингдек, миллий-маънавий қадриятларимизнинг ёшларимиз томонидан бажонидил қўллаб-қувватланаётганининг боиси ҳам ортиқча ҳою ҳавасга кетадиган маблағларнинг ёш оилаларнинг соғлом турмуш кечириши учун сарфланаётганида, дейиш мумкин.

Бу каби ихчамлаштирилган, файзли тўйлар аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда. Бунда вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётган барча жамоат ташкилотларининг саъй-ҳаракатларини ҳам таъкидлаш жоиз.

Сайёра ФАЙЗИЕВА,
вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.



Бошланиши 1-бетда.

"Бешик тўйи" каби удумлар баҳона беҳисоб маблағлар совурилаётгани натижасида икки ёш, қуда-андалар орасига совуқчилик тушиб, ажрим ҳолатлари рўй бермоқда.

Баъзан қудаларнинг ўзаро келишолмай, қиз томон куёвнинг уйига "Ҳайитлик", тоғора-тоғора ош-овқатни кеч олиб боргани сабабли ҳам ёш оила ажрашиб кетаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Бу калондимоғлик, мол-дунёга ўчликми ёки худбинлик, манманликми? Шунингдек, инсон қадрини, фарзандининг бахтини хориж мебелию, қимматбаҳо сарпо-суруқларамай, оилавий ажримлар камаймаётгани учун ким масъул?! Ушбу салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида вилоят хотин-қизлар қўмитаси бир қатор амалий ишларни олиб бормоқда. Хусусан, ҳафтанинг ҳар чоршанбасини "Оила куни", деб белгилаб, ёшларни таш-килотчиси аксарият ҳолларда хотин-қизлар, аёллар эканини ҳам таъкидлаш зарур. Бу борада бизнинг қатор жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик асосидаги маънавий-маърифий тадбирларимиз ҳам бесамар кетмаяпти. "Маҳалла", "Аёллар маслаҳат маркази", "Ёшлар иттифоқи", "Оила" илмий-амалий маркази, соғлиқни сақлаш, ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликдаги фаолиятимиз ижобий натижаларини бермоқда.

Аслида ҳам тарбиянинг боши оиладаги муҳитга боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас. Ҳар томонлама соғлом оила фарзандлари бўлғуси куёв ёки келин томондан ортиқча дабдабани талаб қилмайди, бунга йигитлик ғурури, орияти ёки қизлик ибо-ҳаёси йўл қўймайди. Кейинги пайтларда шундай ўғил-қизларимиз ташаббуси, ота-оналар розилиги билан камхарж, ихчамлаштирилган тўйлар ўтказилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Айниқса, камхарж оилалар фарзандларининг никоҳ тўйлари ёшларга манзур бўлмоқда. Зангиота, Қибрай, Ўрта Чирчиқ туманларидаги шундай тўйлар маҳаллалар фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари иштирокида ўтказилаяпти.

Бу тўйларда "Севги тарихи" ҳақидаги видеороликлар, гул отиш, торт едириш, келинни кўтариб рақс тушиш каби бачкана одатларга ўрин қолмади. Шунингдек, миллий-маънавий қадриятларимизнинг ёшларимиз томонидан бажонидил қўллаб-қувватланаётганининг боиси ҳам ортиқча ҳою ҳавасга кетадиган маблағларнинг ёш оилаларнинг соғлом турмуш кечириши учун сарфланаётганида, дейиш мумкин.

Бу каби ихчамлаштирилган, файзли тўйлар аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда. Бунда вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётган барча жамоат ташкилотларининг саъй-ҳаракатларини ҳам таъкидлаш жоиз.

Сайёра ФАЙЗИЕВА,
вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.

Ифтихор

Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказилган спорт мавсумининг энг нуфузли мусобақаси – бокс бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига ажойиб совға – битта олтин, учта кумуш ва иккита бронза медални туҳфа қилди.



БУНИ «ЎЗБЕКЧА МУШТ» ДЕЙДИЛАР

Спорт навқирон авлодни жисмонан ва маънан соғлом тарбиялаш омили бўлибгина қолмай, мамлакатни дунёга танитадиган, халқ қалбини ғурур-ифтихорга тўлдирадиган кучли восита ҳамдир. Айниқса, ўзбек спортчилари энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида бўладиган ҳар қандай мусобақада ўзгача кўтаринки кайфият, кучли ишонч билан майдонга чиқади.

Германиядаги бокс мундиалида ҳам ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари етакчилик мавқеини муносиб ҳимоя қилиш баробарида бизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз ва кам эмаслигимизни яна бир карра намоён эта олди. Кескин ва мурosасиз баҳсларда маҳорат ва дадиллик кўрсатган терма жамоамиз вакиллари юзга яқин мамлакатлар ичида умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Ғалабага вилоятимиз вакили Санжар Турсунов ҳам муносиб ҳисса қўшди. 18 ёшли боксчимиз тажрибали рақибларидан ҳайиқмай жанг қилди. 91 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда никарагуалик Жеффри Гонсалез, аргентиналик Ямил Пералта ва голландиялик Рой Корвингни мағлубиятга учратган Санжар бронза медалга лойиқ топилди.

– Жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақада илк маротаба қатнашиб, шоҳсупага кўтарилганимдан бахтиёрман, – дейди Санжар Турсунов. – Чемпионатдан олдин Мустақиллик кунига муносиб совға тайёрлашни кўнглимизга туккан эдик. Мана ниятимиз амалга ошиб, ғолиблар қаторидан жой олдик. Дунё бўйлаб ўтказилаётган спорт анжуманларида қатнашиш имконига эга бўлаётганимиз, шубҳасиз, истиқлолимиз шарофатидандир. Биз, спортчилар буни чуқур ҳис қилган ҳолда ҳар бир мусобақада байроғимиз баланд кўтарилиб, давлатмиз мадҳиясини баралла янгратиш мақсадида бор куч-қувватимиз билан ғалаба учун курашамиз.

Гамбургдаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Шаҳрам Ғиёсов олтин, Ҳасанбой Дўсматов, Жасурбек Латипов, Иқболжон Холдоров кумуш, Бектемир Меликўзиев бронза медалга сазовор бўлди.

Аслида боксчиларимизнинг медаллари сони ва салмоғи бундан юқори бўлиши кутилганди. Лекин, Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси кейинги пайтда кўп танқид қилинаётган ҳакамлик масаласидаги камчиликларга тўла барҳам беролмагани спортчиларимизга панд берганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, Исроил Мадримов америкалик Трой Ислей, Бектемир Меликўзиев ирландиялик Жо Вард, Ҳасанбой Дўсматов кубалик Йоанис Аргилаго билан бўлган жангларда устунлик қилган бўлса-да, ҳакамлар ғалабани рақиб томонга беришди.

Шундай бўлса-да, боксчиларимизнинг аксарияти ҳали ёш бўлишига қарамай, ўзбек бокс мактаби услуби – ажойиб техника, мустаҳкам ҳимоя, кучли, тезкор ва аниқ зарбаларга асосланган жанг усули билан кўплаб мухлису мутахассислар қалбидан жой олди.

Германиядаги жаҳон чемпионатидан ёруғ юз билан қайтган Ўзбекистон спорт делегациясини Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари, мухлислар тантанали равишда кутиб олишди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Дарвоқе

Инсон умри давомида моддий ва маънавий бойликлардан ўз билими, салоҳияти даражасида фойдаланади. Кимдир моддиятга ўч, кимдир маънавий бой бўлишни истайди.

ҚУШГА АЙЛАНГАН КИТОБЛАР

Айниқса, биз ёшларга яратиб берилаётган беқиёс имкониятлар иштиёқ билан илм олишга ундайди. Бу йўлда бизга китоб энг яқин дўст, чин кўмакдошдир. Ҳозир нафақат шаҳар, балки чекка қишлоқларда ҳам турли адабиётларга бой кутубхоналарнинг борлиги китобга бўлган меҳримизни янада оширади. Қувонарлиси, бу даргоҳлар доимо китобхонлар билан гавжум.

Аммо, куни кеча дуч келганим, бир воқеа мени таажжубга солди. Боғда сайр қилиб юрган ота-бола эътиборимни тортди. Болакай инжиқланиб хархаша қилаётган эди. Отаси уни овутишга роса уринди, аммо уддалай олмади, охири ўриндиқда турган китобни олди. Ичини очиб, бир варағини йиртиб, ўғлига қоғозқуш ясаб берди. Балки, бу ота боласи учун барча ишга тайёрдир, лекин китобга бўлган ҳурматни болалар, аввало, ота-оналаридан ўрганишади.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, тенгдошларимиз орасида бадиий асар тугул дарсликларни ҳам тузукроқ варақламаган ёшларимиз ҳам кўп. Бироқ, бу икки тоифа ўқувчилар ўртасида катта фарқ бор. Барчамизга маълумки, китоб ўқимайдиган, саводсиз ёшлар зарарли, ёт ғоялар таъсирига тез берилади, ёвуз кучлар чангалига осонроқ илинади. Буларнинг барчаси китобга ҳурматсизлик ва бемеҳрликдан келиб чиқади. Ёшларни ҳали ғўр, дерсиз, катталарчи?! Болаларига тарбия бераётганда ўзларида йўқ фазилатларни қандай ўргатишади?

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ўсмирлар тарбиясида кўз илғамас нарсаларнинг ҳам ўрни катта, бунга катталар, хусусан, ота-оналарнинг эътибори зарур.

Мафтунахон СУННАТИЛЛАЕВА,
ТМИ қошидаги 2-сонли академик лицей ўқувчиси.

СОЗ СЕҲРИГА ОШУФТА КЎНГИЛ

Бармоқлар созни шунчаки чертмайди. "Шу совуқ симлар"дан таралаётган оҳанглар юракка етиб борса, куй сеҳридан қалблар ларзага келсагина – буни чинакам санъат, дейиш мумкин.

Санъат

Солижон Сайдумаров болалигидан рубоб, дуторни қўлидан қўймасди. Тинмай куй чалишни машқ қилар, ўзига хос оҳангларни топишга интиларди. Айниқса, қашқар рубобига қизиқарди. Мусиқа мактабида ҳам таҳсил олди. Мактабни тамомлагач, вилоят мусиқа ва санъат коллежида ўқий бошлади.

Ёш иқтидор соҳиби тез орада устозлар назарига тушди. Унга тажрибали педагог Азиз Каримов соз чалиш сирларини қунт билан ўргатди. Шаҳар ва вилоят миқёсидаги кўплаб танловларда фаол қатнашди. Бир неча бор қашқар рубобида маҳорат билан куй чалиб, кўрик-танловлар лауреати бўлди. Ёш созанда аста секин мухлислар ва мутахассислар назарига тушди.

Санъатга иштиёқ, мусиқага бўлган меҳру муҳаббат Солижонни 1980 йилда санъат ва маданият институти сари етаклади. Ушбу олийгоҳда катта устозлардан Карим Азимов, Надим Норхўжаев, Тоҳир Йўлдошев, Нўъмон Ширинов-ларнинг маҳорат сабоқларидан бахраманд бўлди.

Унинг маҳоратини сайқаллашда устози, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Феруза Абдураҳимованинг ҳиссаси катта. Айнан устозининг кўмагида у оркестр дирижёрлигини, шунингдек, гуруҳлар билан ишлашни ўрганди.

Олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлаган Солижон она шаҳри Бекободга қайтди. Дастлаб шаҳар маданият бўлимида тўгарак раҳбари сифатида иш бошлади. 1986-1993-йилларда туманда-ги 15-сонли мусиқа мактабида ўқитувчи, кейинчалик, 11– ва 16-сонли мусиқа ва санъат мактабларида директор сифатида фаолият юритди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, унинг раҳбарлигида ёш созандалар турли кўрик-танлов ва фестивалларда яхши натижаларни қўлга киритиб келишаяпти. Улар "Ягонасан, муқаддас Ватан", "Наврўз садолари", М. Қори-Ёқубов номидаги академик чолғулар ва халқ ижрочилиги каби танловларда доимо фаол. Айниқса, Аббос Абдуқаххоров, Достон Турғуновлар қашқар рубобида куйни маромига етказиб ижро этадилар.

С. Сайдумаровга "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят бўлими томонидан 2 миллион сўмлик чолғу асбоблари туҳфа этилди.

Шуни айтиш керакки, С. Сайдумаров иқтидорли ёшларга соҳа сирларини ўргатиб, уларни ҳаётда ўз ўринларини эгаллашларига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.



ПОЛВОНЛАР ПИСКЕНТДА БЕЛЛАШДИ

Пискент туманидаги "Ёшлар боғи"да белбоғли кураш бўйича катталар ўртасида анъанавий республика турнири бўлиб ўтди.

Кураш

Мустақиллигимизнинг 26 йиллик байрамига бағишлаб, Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси ҳамда туман ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари ташаббуси билан "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида ташкил этилган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва пойтахтдан ташриф буюрган моҳир полвонлар иштирок этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда. Буни белбоғли кураш спорти вакиллари эришаётган натижаларда ҳам кўриш мумкин.

Полвонларнинг навбатдаги беллашувлари ҳам барча вазн тоифаларида кескин ва муросасиз кечди. Турнир натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида Пискент тумани курашчилари биринчи, Паркент вакиллари иккинчи, Андижон ва Наманган полвонлари учинчи ва тўртинчи ўринларни эгаллашди.

Шу куни турнир ғолибларига Ўзбекистон белбоғли кураш федерациясининг фахрий ёрлиқ, диплом ва медаллари, Пискент тумани ҳокимлигининг махсус совғини топширилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

XXI аср ва дунё

САМОЛЁТДА ЖАРРОҲЛИК ХОНАСИ

Россиянинг "Швабе" холдинги "Иннопром-2017" кўргазмаси доирасида янги, ноёб мобиль жарроҳлик хонасини намойиш этди.

"Ил-96-400Т" самолёти бортида жойлашган мобиль жарроҳлик хоналари ёрдамида сайёранинг энг олис бурчакларида ҳам одамларни операция қилиш мумкин.

Жарроҳлик хонаси энг мураккаб операцияларни юқори технологияли жиҳозлардан фойдаланган ҳолда бажариш имконини беради. Авиажарроҳлик хонасининг устун жиҳатларидан бири шундаки, у барча ички аъзолар ва тизимларни тез ҳамда аниқ ташхис қилишни жарроҳлик амалиёти билан уйғун ҳолда бажариш имконини беради.

"Иннопром-2017" кўргазмаси доирасида жарроҳлик хонаси Ил-96-400Т самолёти бортида қандай жойлашиши намойиш этилди.

ЭРИНЧОҚЛАРНИНГ ЎЙИНЧОҒИ

Тиниб-тинчимаган олимлар энг эринчоқ ва танбал одамларнинг ҳаётини янада осонлаштириш мақсадида ажойиб тиш тозлагич яратди.

Amabrush тиш тозалаш қурилмаси бутун оғиз бўшлиғини бор-йўғи 10 сонияда тозалайди. Уни оғизга солиб, тугмасини босишнинг ўзи кифоя.

Amabrush бактерияларга қарши курашиш хусусиятига эга силикондан тайёрланган ва кўринишидан боксчилар тишини ҳимояловчи восита – капага ўхшайди. Унинг вибрацияланувчи юмшоқ мўйлари милкка зарар етказмаган ҳолда тишларни тозалайди. Тиш пастаси махсус микроканаллар орқали келади.

Ишлаб чиқарувчилар бу қурилма одамларнинг вақтини сезиларли даражада тежашини айтмоқда. Гаджет аккумуляторининг қуввати 28 марта фойдаланишга етади. Тиш тозалаш қурилмасини 3-6 ойда янгилаш тавсия этилади.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

101 ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Вилоятимиз ҳудудида 28 август-3 сентябрь кунлари 31 та ёнғин қайд этилди. Уларнинг 13 таси аҳоли уйларига тўғри келади. Ёнғин сабаблари ўрганилганда, 9 таси электр симларининг қисқа туташуви, 5 таси болалар шўхлиги, 17 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида содир бўлгани аниқланди.

Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси "Ёнғинлар профилактикаси куни", деб белгиланган муносабати билан, эндиликда соҳа ходимлари томонидан аҳоли ва ташкилотлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш тўғрисида учрашув ва тушунтириш ишлари янада кенг кўламда ўтказилмоқда.

Ҳурматли фуқаролар! Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг. Зеро, хотиржамлигимиз ўз қўлимизда эканлигини унутмайлик.

Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-9951. Адади 7 002. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.00.